

МИЛЛИЙ КУТУБХОНА ВА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АҚШ ЭЛЧИХОНАСИ ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАДИ



Миллий кутубхона ва Ўзбекистондаги Ақш элчихонаси ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзолади [Электрон ресурс] // Turkiston-press: нодавлат ахборот агентлиги. – Кириш тартиби: <http://turkistonpress.uz>, эркин

22 август куни Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Ўзбекистондаги Америка Қўшма Штатлари элчихонаси икки томонлама ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзолади. Меморандум имзоланиши маросимида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси раҳбар ва ходимлари, кутубхоначилик соҳаси фаоллари, Ўзбекистондаги АҚШ элчихонаси вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистондаги АҚШ элчиси Памела Спратлен ҳозирги даврга қадар Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар ҳақида сўзлади ва йигилганларни имзоланаётган Меморандумдан кўзланган мақсад билан таништирди.

Меморандумни имзолаш чоғида томонлар ўзаро маданий ва ахборот соҳаларида қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни, илмий, маърифий ва маданий анжуманлар, китоб кўргазмалари ҳамда тадбирларни ўтказишни, миллий мерос ва замонавий нашрлар нусхаларини алмашиш, замонавий кутубхона технологияларини, ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг энг янги шакл ва услубларини, ахборот-кутубхоначилик фаолиятини ташкил қилишда ҳамкорлик ўрнатишни келишиб олдилар.

Шунингдек, АҚШнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси томонидан Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг ўқув залларидан бирини техник ускуналар, шунингдек, инглиз тилини ўрганиш бўйича дастурий таъминот ва тилга оид бир қанча таълим ресурслари (китоблар, компакт дисклар) билан таъминлаш, имконияти чекланган фойдаланувчилар учун АҚШ элчихонаси тарафидан Брайл форматидаги инглиз ва рус тилларида турли хилдаги аудио ресурслар, электрон китоб ва журналлар сотиб олиш каби вазифалар кўзланган.